Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◉ № 189 (6. 678) ◉ 1988 йил 20 август, шанба ◉ Баҳоси 3 тийин

**ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА**

◉ «Правда» газетасида «Қоғоз. Нега у сурункали етишмайди!» сарлавҳаси остида СССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитети ходими А. Серегиннинг мақоласи эълон қилинган.

◉ Газетанинг учинчи саҳифасида Литва ССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари П. Браженаснинг «Ишонайлик ва ҳаракат қилайлик» сарлавҳали мақоласи берилган.

◉ Братсклик ҳайдовчи, тўрт синф маълумотига эга бўлган С. М. Коломиец энг юқори жаҳон стандартларига жавоб берадиган машина яратди. Машинанинг тақдири ҳақида «Известия» газетасининг учинчи саҳифасида берилган «Братсклик Кулибин» сарлавҳали мақолада ўқийсиз.

# КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси 18 август куни бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида ҳосилни йиғиштириб олиш, ем-хашак тайёрлаш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид қилиш давлат буюртмасини бажаришда партия комитетлари, совет ва хўжалик органлари, колхозлар ва совхозларнинг ташкилотчилик ишларини кучайтириш тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. Баъзи иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг биринчи секретарлари, Министрлар Советларининг раислари, бир қанча ўлка, область партия комитетларининг биринчи секретарлари иштирокида бу масалани муҳокама қилиш чоғида ўрим-йиғим ишларини ва бошқа дала ишларини уюшқоқлик билан туғаллаш, бутун агросаноат комплексини ва аввало чорвачиликни қишга тайёрлаш, келгуси йил ҳосили учун замин яратиш умумдавлат аҳамиятига ва сиёсий аҳамиятга молик вазифалар эканлиги, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш шу вазифаларнинг муваффақиятли бажарилишига боғлиқ эканлиги таъкидланди.

Бир қанча республикалар, ўлкалар ва областлар, шунингдек баъзи министрликлар коммунист раҳбарларининг диққат-эътибори ўрим-йиғим кампаниясини таъминлашдаги, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ҳамда харид қилишни кўпайтиришдаги катта камчиликларга қаратилди. Бу камчиликлар аввало шунинг учун содир бўлдики, кўпгина партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари мамлакатнинг бир қанча районларида юз берган вазиятнинг мураккаблигини танқидий баҳоламаётирлар, хотиржамлик ва масъулиятсизлик кўринишлари билан муросасозлик қилмоқдалар, ҳозирги даврдаги ташкилотчилик ишлари савияси билан одамларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ўртасидаги алоқани кўрмаяптилар.

Мазкур масала юзасидан қабул қилинган қарорда таъкидланадики, иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари, ўлка, область, округ, шаҳар ва район партия комитетлари, колхозлар, совхозлар, қайта ишловчи корхоналарнинг партия комитетлари меҳнат коллективларида ташкилотчилик ва сиёсий ишларни кучайтиришлари, мавжуд барча кучлар ва ресурсларни дон, ем-озуқа, техника экинларини ва бошқа экинларни ўриб-йиғиб олишни жадаллаштиришга, етиштирилган ҳосилни пухта сақлаш ва ўз вақтида қайта ишлашга, дағал ва ширали озуқа запасларини тўлдириш учун барча манбалардан фойдаланишга тўла сафарбар қилинишига эришишлари керак. Ҳосилни ўриб-йиғиб олишга, қайта ишловчи саноатни, қишлоқда социал соҳани ривожлантиришга шаҳарлардаги кучлар ва маблағлар кенгроқ жалб этилсин.

Дон, гўшт, сут, картошка ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид қилиш юзасидан давлат буюртмаси сўзсиз бажарилиши учун хўжаликларнинг коммунист раҳбарлари ва мутахассисларига нисбатан талабчанликни ошириш зарур. Ижара муносабатларини кенгайтириш ва чуқурлаштириш учун амалий вазият ҳамда зарур шарт-шароитлар яратилсин, гўшт ва сут ресурсларини кўпайтиришга шартнома асосида шахсий ёрдамчи хўжаликлар кенгроқ жалб қилинсин.

Партия ташкилотлари ўз ишларини тезроқ қайта қуришлари, қўшимча кўрсатмалар бўлишини кутиб ўтирмай, XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси ва КПСС Марказий Комитети 1988 йил июль Пленуми йўл-йўриқлари талаб қилганидек, озиқ-овқат масаласини ҳал қилишда кўпроқ активлик ва мустақиллик кўрсатишлари зарур.

Совет жиноят қонунчилигини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Мажлисда ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикалар жиноят қонунларининг янги асослари лойиҳасини тайёрлаш социалистик ҳуқуқий давлатни вужудга келтириш ишининг муҳим қисми эканлиги таъкидланди. Бу қонун ҳужжатида жамиятимизда юз бераётган ўзгаришлар, қонунчилик, демократизм принциплари, гражданларнинг қонун олдида тенглиги, адолат ва инсонпарварлик, совет ҳуқуқ-тартиботини бузган кишиларнинг жавобгарлиги муқаррарлиги принциплари акс этган.

Арзимаган хатти-ҳаракатларни маъмурий ва интизомий чора кўриладиган хатти-ҳаракатлар категориясига ўтказиб, жиноий жавобгарликка тортилишига сабаб бўладиган хатти-ҳаракатлар рўйхатини анча камайтириш зарурлигига эътибор қаратилди. Жиноят содир қилган, жамият учун унча хавфли бўлмаган гражданларга нисбатан жамоат таъсири чоралари, моддий жазо ва озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа жазоларни қўлланиш имкониятини ҳам анча кенгайтириш лозим. Шу билан бир вақтда оғир жиноят содир этган кишиларга, тўғри йўлга тушишни қайсарлик билан истамайдиган ашаддий жиноятчиларга енгиллик берилишига йўл қўйилмаслиги керак.

Марказий Комитетнинг Сиёсий бюроси СССР Олий Совети Президиумига лойиҳани кенг муҳокама қилишни ҳамда қонун лойиҳасининг СССР Олий Совети сессияси тасдиғига тақдим этиладиган узил-кесил текстида муҳокама натижаларини ҳисобга олишни тавсия қилишни мақсадга мувофиқ, деб топди.

Мажлисда тинчлик ва халқлар ўртасидаги ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш манфаатларини кўзлаб, СССРнинг чет мамлакатлар билан маданий алоқаларини ташкил этишни такомиллаштиришга доир таклифлар қўллаб-қувватланди. XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси қарорларига мувофиқ чет эллар билан маданий айирбошлашда иттифоқдош республикалар, халқ депутатлари маҳаллий Советлари, жамоат ташкилотлари ҳамда ижодий союзларнинг мустақиллигини анча кенгайтириш ва уларнинг ролини ошириш кўзда тутилмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси ички ва ташқи сиёсатнинг баъзи бошқа масалаларини ҳам кўриб чиқди.

## ЗАМОНДОШИМИЗ



# Ишчи сулоласи

Тошкентдаги тажриба-механика заводига бориб ака-ука Исломовлар ҳақида сўраб қолгудек бўлсангиз, фақат яхши гап эшитасиз. Барча уларнинг коллектив ўртасидаги ҳурмати, ҳалоллиги, меҳнатсеварлигини қайта-қайта таъкидлайди. Раҳбарлар эса ёш ишчиларга ўрнак қилиб кўрсатишади уларни.

...Муҳиддин ўрта мактабни тугатдию, яна ўқиш ҳаракатига тушди. Энди бирон касб эгаси бўлишни ўйлаши керак. Қаёққа борса экан? Каттароқ ўқиш кейин бўлаверади. Яхшиси 128-ўрта ҳунар-техника билим юртига бориб ўқигани маъқул. Электрпайвандчи бўлади. Ёмон касб эмас, қаерга борса нони бутун. Ҳозирги техника ривожланган даврда у жуда ҳам керак.

Билим юртини тугатгач, кўп ўтмай армияга чақирилди. Хизматни шараф билан адо этгач, яна Тошкентга — меҳнат қўйнига қайтди. Мана тўққиз йилдирки, у ҳазрати ишчилар синфининг вакили. Ҳали ёш, бироқ номи тажрибали ишчилар, қаторида тилга олинади. Кечаги шогирд бугун малакали электрпайвандчи даражасига етди.

Уни шу заводга акаси Аловиддин олиб келганди. Уйдагилар бир жойда ишлай қолинглар, эш бўласизлар, дейишганди. Бу гап акага ҳам, укага ҳам маъқул келди.

— Борасанми? — сўради ака. — Лекин ишга ўрганиб кетгунингча бир оз қийин бўлади. Чидайсанми?

— Бораман, — жавоб берди Муҳиддин. — Қийналсам сизлар бор-ку. Ўргатасизлар.

Йигит сўзидан, арслон изидан, деганлар. Қанча қийналса ҳам тишини тишига қўйди ва охири енгди. Енгиш эса ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди.

Механика цехи корхонанинг асосий участкаларидан ҳисобланади. Муҳиддин ака шу участканинг пешқадам ишчиси. У комсомол аъзоси. Маҳаматқул Бекмуродов бошчилик қилаётган бригаданинг фахри. Жамоат ишларининг актив иштирокчиси. Ва яна кўнгилли халқ дружинасининг фаоли. Бу йигит ҳақида, унинг оиласи ҳақида кўп гапириш мумкин. Унинг укаси ҳам шу коллективда меҳнат қилаётганлигини, акасидек меҳнаткаш эканлигини ҳам. Қисқагина айтганда улар ишчи сулоласи. Халқимизнинг азалдан давом этиб келаётган удуми: кулоллар, темирчилар, косиблар сулоласи каби.

...Ака-укаларнинг ҳали орзуси кўп, мақсади улуғ. Келажаги олдинда.

Р. БОБОМУҲАМЕДОВ.

● СУРАТДА: электрпайвандчи Муҳиддин Исломов.

Т. Каримов фотоси.

## АХБОРОТ

### Йўловчиларга қулайлик

**Шаҳримиз пассажирларига хизмат кўрсатувчи автобуслар маршрути яна биттага кўпайди.**

Янги маршрутда қатновчи 103-номерли автобуслар М. Горький проспекти, Солнечний ва Луначарский маркази бўйлаб ҳаракат қилади. Ушбу линияда ҳозирча бешта автобус қатнамоқда. Улар қирқ минутда белгиланган масофани босиб ўтади.

Яқин кунларда яна бир янги маршрутда автобуслар ҳаракат қила бошлайди. Бу маршрут 6-Қорасув массивини Циолковский, Светлана, Никитин кўчалари билан боғлаб, метронинг М. Горький станциясигача боради. Оралиқ масофа 30 минутда босиб ўтилади.

◉

**Электр транспорти шаҳримизнинг барча массивларини қамраб олган қулай ҳаракат воситасидир.**

Трамвай ва троллейбус йўлларининг узунлиги 466 километрга етганлиги фикримизнинг исботидир. Ҳар куни 342 та трамвай ва 294 та троллейбус 1 миллион аҳоли манзилини яқин қилишга эришмоқда.

Аҳолига янада юксак маданий хизмат кўрсатиш мақсадида шу йилнинг ярим йилида 22 та ЗИУ—9 троллейбуси, КТМ—5 маркали трамвай олинди.

**БУГУН бу янги транспортлар 4, 18-троллейбус, 4, 28-трамвай маршрутларида ҳамшаҳарларимиз хизматига қўйилди.**

Йил охирига қадар яна янги 21 та троллейбус ва 5 та трамвай олинади.

С. АЛИЕВ.

### Муддатидан илгари

**Шаҳар пассажир автотранспорти ишлаб чиқариш Бош бошқармасига қарашли 3-автобус парки коллективи олти ойлик планни муддатидан илгари бажарди. Хўжалик ҳисобида ишлаётган корхонада Ж. Холмуҳамедов, Б. Жалолов, М. Мадалиев, С. Миртуллаев каби ҳайдовчилар кунлик планларини ҳамиша ортиғи билан бажариб, бошқа ҳамкасбларига ўрнак бўлишмоқда. Яқинда автобус парки «ПАЗ—675» маркали машиналардан 35 та олди. Бу автобуслар 76-, 156-, 11-, 35-маршрут йўловчилари хизматига чиқарилди. Йил охирига қадар ана шундай қулай машиналардан яна 53 та олинади. Автобус паркида бундай машиналарнинг кўпайиши йўловчилар учун қулайлик туғдирмоқда.**

### Туҳфа

**«Бошлиқ» микрорайонидаги яна бир 9 қаватли 108 хонадонга мўлжалланган турар жой биносида монтаж ишлари ниҳоясига етди. Бу Физкультурная Грузовая кўчасидаги бунёд этилган олтинчи кўп қаватли бинодир.**

**Бунёдкорлик ишларини 3-уйсозлик комбинатига қарашли 3-пардозлаш ишлари бошқармаси бўёқчилари — С. Тараева ҳамда Х. Зайнитдинова етакчилик қилаётган коллективлар бажаришмоқда.**

### Тахт қилиб қўйилди

2-уйсозлик комбинати комсомоллари оталиқларидаги 21-болалар уйи ремонтини ниҳоясига етказишди. Ишдан ташқари вақтда меҳнат қилишган йигит-қизлар спорт майдончасига жиҳозлар ўрнатиб 1 сентябрга тахт қилиб қўйишди.

## Элга хизмат—олий ҳиммат

### Буюртмачилар мамнун

— Кўйлагингиз бунча чиройли, қайси магазиндан олдингиз? — йўловчи қиз дугонасини саволга тутди.

— Тиктирдим, ўзимизнинг модалар уйида.

— Қаранг-а! Мен бўлсам бирор фабриканинг маҳсулотими дебман. Бежиримгина экан. Бичими ҳам яхши. Қоматингизга ярашибди.

— Ҳа, чеварлар барака топишсин...

Эндиликда бундай суҳбатларнинг тез-тез гувоҳи бўлиш мумкин. Ҳақиқатан ҳам 52-модалар уйи чеварлари кўрсатаётган хизмат кўпчиликни мамнун этмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Яхши ишлаш ва аҳолига намунали хизмат кўрсатиш коллектив чеварларининг асосий вазифаларидан бирига айланган. Бу эса улар эришаётган муваффақиятларни мустаҳкамланишида қўл келмоқда.

Марғуба Аҳмаджонова, Маҳбуба Қурбонова ва Шоира Исломова сингари қўли гул тикувчилар ҳар бир буюртма устида қунт билан ишлаб, унинг сифатли бажарилишини таъминлашяпти. Натижада бу ерга ташриф буюрувчиларнинг сони ой сайин кўпайиб бормоқда. Ўтган ой планини 1400 сўмга адо этган коллектив чеварлари август ойида бу кўрсаткични янада ошириш учун астойдил ишламоқдалар.

М. ЮСУПОВА.



32-55-35 33-57-02.

## Ишончли мулоқот

# «...Алло, шундай таклифим бор...»

**15 август куни бўлиб ўтган навбатдаги мулоқотимизда оқшомхонлар газетамизда берилаётган материаллар хусусидаги фикр-мулоҳазаларини билдириш билан бирга шаҳар хўжалиги, ободонлаштириш, маиший хизмат кўрсатиш соҳасидаги қатор камчиликларни кўрсатиб ўтишди.**

**Туроб Қурбонов, пенсионер, «Чорсу» массиви, 2-уй, 46-квартирада истиқомат қилади:**

— «Она ноласи» материалини, унга билдирилган фикр-мулоҳазаларни қизиқиш билан ўқидим. Ана шундай материаллар тез-тез бериб турилиши керак. Бу ёш авлод тарбияси учун жуда фойдали бўларди.

**Олия Ғозиева, Дилбар Ҳакимова, 8-салон прокат ишчилари:**

— Бизга «Замондошимиз», «Бир асар тарихи», «Ҳикматли гаплар», «Келинг, бир кулишайлик» рубрикалари остида берилаётган материаллар жуда ёқади. «Она ноласи» сингари мақолаларни кўпроқ берсангизлар.

**Дилдора Аҳмедова, В. И. Ленин номидаги Тошкент педагогика билим юрти талабаси:**

— Газета саҳифасида машҳур санъаткорлар билан учрашувлар уюштирилса.

**Раҳим Жумаев, Самарқанд давлат опера ва балет театрининг артисти:**

— «Инсон ва яхшилик» мақоласини ўқиб, жонли тарих билан учрашгандай ҳузур қилдим. Раҳмат сизларга!

**Жамшид Ризаев, «Марказ—27» квартали, 17-«В» уй, 158-квартирада истиқомат қилади:**

— «Тошкент оқшоми»нинг ҳар бир сонини ўқиб бораман. Унинг саҳифаларида ҳали ўзимга ёқмаган мақолани учратмадим. Фақат бир ҳикояни, 12 июлда берилган «Сандиқдаги бисот» фантастик ҳикоясини яхши тушунмадим. Бир таклифим бор эди: янги рубрика очилиб «Оқшом» фақат Тошкент билан чекланиб қолмай республикамизда, мамлакатимизда қайта қуриш қандай кетаётганини ёритиб борса.

**Амала Асатурова, Чилонзор районидаги 114-болалар боғчаси мудираси вазифасини бажарувчи:**

— Газета менга ҳар томонлама ёқади. Айниқса «Ишончли мулоқот»нинг кўпчилик оғирини енгил қилаётгани, дардига малҳам бўлаётганидан миннатдормиз. Шу боисдан ҳам мен «Ишончли мулоқот»га мурожаат этяпман. Бундан икки ярим йил муқаддам бизнинг боғчамизни фойдаланишга топширишаётганда қурувчилар «Ҳаммаси қилинган», «Ҳаммаси тайёр» деб акт тузишган. Буюртмачилар ҳам, қабул комиссияси ҳам кўзни чирт юмиб актга имзо чекишган. Уларнинг масъулиятсизлиги азобини эса биз тортяпмиз: икки ярим йилдирки боғчамизга телефон ололмай сарсонмиз. Район АТСи бошлиғи Аъзамов ва абонент бўлими бошлиғи Шамсиев ўртоқларга илтимос қилавериб оғзимиз чарчади. Ахир биз ўз уйимиз учун сўраётганимиз йўққу. Наҳотки бутун бир районда битта номер топилмаса...

**Гўзал Полвонова, Сергелидаги 5-йирик панелли уйсозлик комбинати мастери:**

— Шу йил 28 январда «Фрунзе» савдо марказидаги 100-алоқа бўлимидан Хивага, опам Бекпошша Полвонова номига 140 сўм жўнатгандим. Орадан салкам етти ой ўтса ҳамки пул етиб бормаган. Бир неча марта алоқа бўлимига бориб суриштирсам «Пул тўлаб телеграмма жўнатинг, сўранг» дейишади. «Сўрадим, олишмабди» десам, «Унда билмадик» деб жавоб қайтаришди. Мен эса қўлимда «140 сўмлик» квитанция билан сарсон бўлиб юрибман.

**Раъно Аҳмаджонова, Тошкент тўқимачилик комбинати ишчиси:**

— «Оқшом» саҳифаларида табиатнинг нодир неъмати — сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш зарурлиги тўғрисидаги материалларни кўп ўқиганман. Лекин назаримда «Водоканал» тресги раҳбарлари бундай мақолаларни ўқишмайди шекилли. Акс ҳолда улар Чилонзор район 2-проезд Дилхуш кўчаси 17-уй олдида бундан қарийб уч ой илгари водопровод қувури тешилганини ва шу вақт ичида юзлаб кубометр қимматбаҳо ичимлик суви беҳудага исроф бўлиб, ҳаммаёқни захлатиб ётганини кўришган бўлишарди. Балки сен «Оқшом», «Ишончли мулоқот» уларни лоқайдлик ва масъулиятсизлик уйқусидан уйғотиб, нафақат сувни тежарсан, шу билан бирга одамларни ташвишдан қутқарарсан.

**Муаззам Рамазонова, Чилонзор район «С» квартали, 9-уй, 17-квартирада яшайди:**

— «Тошкент оқшоми» газетаси шаҳримиз ободончилигига кўп эътибор бераётгани таҳсинга сазовор. Лекин минг афсуски ободончиликка мутасадди бўлган ташкилотларнинг бу масалага нисбатан эътиборсизлиги таассуфга лойиқ. Бунга мисол қилиб биз яшаётган жойни келтириш мумкин. Кўчиб келганимиздан бери уйимиз атрофини обод қилиш, кўкаламзорлаштириш билан оворамиз. Лекин яқинда қурувчилар келиб экилган гуллар, дарахтларни қўпориб газ ўтказа бошлашди. Шунча меҳнатимиз зое кетди. Қизиқ, шаҳарни лойиҳалаштирадиган архитекторлар, уларнинг чизганини амалга оширадиган қурувчилар, буюртмачилар бино пойдеворини қўйишаётганда нимани ўйлашади экан? Бугун қуриб эртага бузиш, бугун текислаб, асфальт ётқизиб эртага кавлаш бизда қачонгача давом этаркин?

### «Ишончли мулоқот» қабулхонасидан:

**Шу куни қўнғироқ қилган пенсионер отахонимиз Олимжон ака Эргашев «Янгиобод» массивида телефон алоқаси ёмон аҳволда эканлигини, шу районга хизмат кўрсатувчи 98-АТС бошлиғи эса ўз вазифасига лоқайдлик ва совуққонлик билан қараётгани етмагандай, унинг олдига ёрдам сўраб келганларга нисбатан қўпол муомалада бўлаётганидан хафа бўлиб гапирдилар. Афсуски 98-АТС ва унинг раҳбарлари устидан редакциямизга биринчи марта шикоят қилишаётгани йўқ. Жумладан шу йил 16 май куни бўлиб ўтган мулоқотимизда ҳам Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветерани Аҳрор ота Аҳмедов ҳам худди шу ҳақда гапиргандилар. Афтидан қайта қуриш шамоли 98-АТСга етиб келмаган кўринади.**

**Пировардида «Ишончли мулоқот»га қўнғироқ қилган оқшомхонлар С. Султонов, Ҳ. Қаршиева, М. Усмондиёрова, Т. Назарова, Ф. Исмоилов, О. Ёқубов, М. Абдумаликова, Ю. Шокироваларга миннатдорчилик билдирамиз.**

**«Ишончли мулоқот» навбатчиси: Фарруҳ РАҲИМОВ.**

## Газета—газетхон—газета

*«Тошкент оқшоми»—1989 йилда*

# «Ишончли мулоқот» анкетаси

Хабарингиз бор, август ойидан газета ва журналларга, шу жумладан «Тошкент оқшоми»га 1989 йил учун қизғин обуна бошланди. Сизнинг «оқшом»чилар билан мунтазам ижодий алоқада бўлишингиз бу обунада катта ёрдам беради. Негаки, ҳар ҳафтанинг душанба куни «ИШОНЧЛИ МУЛОҚОТ» навбатчилари сизнинг қўнғироғингизга мунтазир туради: унда сиз ўзингизни қизиқтирган ҳар қандай масала хусусида қўнғироқ қилишингиз ёки хат орқали мурожаат қилишингиз мумкин.

Янги, 1989 йилда газетамиз мундарижаси ва мазмунини сиз таклиф этган янги мавзулар, йўналишлар ва рубрикалар бўйича белгиламоқчимиз. Бунда Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси матбуот ходимлари олдига қўйган янги вазифаларни — покланиш, янгиланиш ва ошкоралик — қайта қуриш жонкуярлари бўлган сиз, азиз газета мухлислари ёрдами ва бевосита кўмагисиз амалга ошириб бўлмаслигини назарда тутиб, шунга қарор қилдик. Қайта қуриш борасида эришилаётган ижобий ютуқлар, янгиликлар, уларни амалга ошираётган ажойиб кишилар ҳамда бюрократизм, салбий ҳолатлар, лоқайдлик ва кўзбўямачиликка доир хабарлар, сигнал ва танқидий фикр-мулоҳазалар биз учун ниҳоятда муҳимдир.

Шуларни ҳисобга олиб, қадрли оқшомхонлар, сизлардан қуйидаги анкета саволларига жавоб беришингизни сўраймиз.




1. Сизга газетада берилаётган қайси йўналишдаги материаллар кўпроқ ёқади ва қайси материаллардан кўнглингиз тўлмаяпти?

2. Сизнингча, газетада қайта қуриш мавзуида берилаётган материаллар мазмунини янада такомиллаштириш учун нималар қилиш керак?

3. «Тошкент оқшоми» ҳар оқшом ҳамроҳингиз бўладими? Обуна бўлишда қийналмаяпсизми?

4. 1989 йилда «Тошкент оқшоми» сизнинг тасаввурингизда қандай бўлиши керак?

«Тошкент оқшоми»нинг навбатчилари Акмал Акромов, Ҳамид Икромов ва Фарруҳ Раҳимовлар 22 АВГУСТ ДУШАНБА ва 23 АВГУСТ СЕШАНБА кунлари соат 10 ДАН 12 ГАЧА ВА СОАТ 14 ДАН 16 ГАЧА сизларнинг ана шу анкета саволларига йўллаган жавобларингизни 33-57-02, 32-55-35 номерли телефонлар орқали ёзиб олишади ва бу жавоблар газета саҳифаларида ёритилади.

Ўз фикр-мулоҳазаларингизни қуйидаги адресга хат орқали юборишингиз ҳам мумкин. Тошкент—83, Ленинград кўчаси 32-уй, «Тошкент оқшоми» редакцияси, «Ишончли мулоқот»га.

